

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ КЎМИТАСИ**

**Тошкент Автомобиль йўларини лойихалаш, қуриш ва  
эксплуатацияси институти**

**“СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ”**

**фанидан**

**АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ  
бўйича**

**УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

Таълим соҳалари:	310 000	- Муҳандислик иши
	340000	- Архитектура ва қурилиш
	620000	- Транспорт
	110000	- Педагогика
Таълим йўналишлари:	5340600	- Транспорт иншоотларини эксплуатацияси (автотранспорт иншоотлари;)
	5310600	- Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (ихтисослашган транспорт воситалари; автомобиль транспорти; кўтариш- ташиш ва йўл қурилиш машиналари;
	5340800	- Автомобиль йўллари ва аэродромлар;
	5620100	- Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (автомобиль транспорти);
	5111000	- Касб таълими: Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (кўтариш-ташиш, йўл ва қурилиш машиналари)

**ТОШКЕНТ - 2018 йил**

Фаннинг амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услугий кўрсатмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 201\_\_ йил “\_\_\_” даги \_\_\_-сонли буйруғи билан (буйруқнинг \_\_\_-иловаси) тасдиқланган “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани дастури асосида тайёрланган.

Фан дастури Солиқ академияси Кенгашининг 201\_\_ йил “\_\_\_” даги “\_\_\_” -сонли баёни билан тасдиқланган.

### **Тузувчилар:**

Р. Умарова

- ТАЙЛҚЭИ, “Йўл хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш” кафедраси катта ўқитувчиси;

Г.Юсупходжаева

- ТАЙЛҚЭИ, “Йўл хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш” кафедраси ассистенти

### **Такризчилар:**

Д.Якубова

- ТДТУ; “Корпоратив бошқарув” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Б.Омонов

- “Транспорт логистикаси” кафедраси доценти; иқтисод фанлари номзоди.

ТАЙЛҚЭИ “Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар” факультети декани:  
201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

Б.Мирзаахмедов

“Йўл хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш” кафедраси мудири:  
201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

С. Юлдашева

**КИРИШ**

«Солиқлар ва солиққа тортиш» ўқув курси бўйича амалий машғулотларни ўқитишнинг хорижий мамлакатларда кенг тарқалган илгор педагогик технология қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўрсатманинг таркиби: Кириш, Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг ўқитиш бўйича наъмунавий ва ишчи ўқув дастурлари асосида барча маъруза ва семинар машғулотларни ўқитиш кетма-кетлигида ташкил топган.

Амалий машғулотларни концептуал асослари билимида «Солиқлар ва солиққа тортиш» махсус курсининг Давлат ва эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг субъектлари ўртасидаги уйғунликни таъминлашдаги ахамияти ва ушбу курсни ўқитишнинг долзарблиги асосланган, ўқув соатларининг мавзулар бўйича тақсимланиши хамда курснинг асосий мазмuni очиб берилган. Шунингдек, таълим технологиясини ишлаб чиқишида қўлланилган асосий қоидалари: таълим усули ва техникаси; ташкил қилиш шакли, воситаси; коммуникация усуллари; берилган маълумотларни назорат қилиш усуллари ва воситалари; баҳолаш ва назорат қилиш тартиблари ёритилган.

Махсус курсни амалий машғулотларни ўқитиш қўйидаги тартибда ишлаб чиқилган.

- Семинар ва амалий машғулотларини олиб боришида муаммоли саволларни гурухларга бўлинган холда мухокама қилиш, индивидуал тарзда ишлаш, муаммоли вазиятни кейс-стади усулидан фойдаланиб назарий билимларни амалиётга қўллаш бўйича ққникмалар ва билимларни чўйурлаштиришга қаратилган.

Ушбу амалий машғулотларни бажариш бўйича қўрсатма барча олий ўқув йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу курсни ўқитадиган ўқитувчилар фойдаланиши мумкин .

Фаннинг предметини чукур ўрганиш шуни қўрсатадики, муносабатларда бир томонлама зўравонлик муносабати бўлгудай бўлса, иккинчи томон унга жавобан ўз даромадлари, бошқа солиқ обьектларини ҳар хил йўллар билан яширади. Бундай ҳолларда ҳар қандай хуқуқий хужжатларнинг ҳам кучи етмай қолиши мумкин. Даромадларни, солиқ обьектларини яшириш ҳолати ҳам муносабатларни бузади. Демак, солиқлар ва солиққа тортиш фанини чукур ўрганиш орқали амалиётда солиқ тушумлари режаларини муваффақиятли бажариш вазифасига ҳам эришиш мумкин.

Фаннинг функциялари солиқ мутахассиси ва бошқа солиқ идоралари ходимларини назарий жиҳатдан қуроллантириш ҳамда амалиётда адашмаслик учун йўл - йўриқлар қўрсатишдан иборатdir. Шунингдек, чет эл солиқ амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқиш, уларнинг иш тажрибаларини ўзимизнинг амалиётга мослаб зарур жойларини тадбиқ этишдан иборатdir.

Солиқ хизмати ходимлари ўзларига қонуний хужжатларда юклangan вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун фақат амалий жиҳатдан солиқларни билибгина қолмасдан, солиқларнинг моҳияти, белгилари, уларнинг обьектив зарурлигига, давлатнинг солиқ сиёсати, солиқлар тизими, солиққа тортиш тизими, солиқ идоралари тизими ва бошқалар каби назарий масалаларни чукур билишлари зарур. Бунинг учун эса солиқлар ва солиққа тортиш фанини чукур ўрганиш керак. Фаннинг мазмунини чукур эгаллаган ҳар қандай мутахассис солиқлар ва солиққа тортиш жараёнини ўрганишда ва уларни ҳаётга тўғри ҳамда тўлиқ тадбиқ этишда адашмайди. Шундай экан бу фан солиқ хизмати ходимлари, солиқ соҳаси вакиллари, илмий ходимлар учун ўзларининг илмий салоҳиятларини оширишда мухим аҳамият касб этади.

“Солиқлар солиққа тортиш” фани бўйича умумий соатлар хажми: маъруза машғулотлари 18 соат, амалий машғулотлар 18 соат, мустақил таълим соатлардан ташкил этади.

**Солиқлар ва солиққа тортиш» фанининг предмети ва уни ўрганиш усуллари**

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитиш нима учун керак?
2. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани нимани ўргатади унинг қандай функциялари бор?
3. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг мазмунидаги нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассис кадрлар тайёрлашдаги роли қандай?
4. Солиқ хизмати ходимларини таёrlашда фаннинг тутган ўрни нимада

### **Мавзу 1. Солиқнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва солиқ муносабатлари субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятлари (2-соат)**

#### **Режа:**


- 1.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги.
- 1.2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар элемен tlari.
- 1.3. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари.
- 1.4. Солиққа тортиш тамоиллари.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг ривожланиши босқичлари.
- 1.6. Солиқ тизимини гурухлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.
- 1.8. Солиқ тизимининг хуқуқий асослари.
- 1.9. Солиқ тўловчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** солиқ тушунчаси, мажбурий тўловлар, солиқ тизими, солиқ обьекти ва субъекти, тўғри солиқлар, эгри солиқлар, солиқ ставка, солиқ база, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври.

Илова 1.1

#### **Мавзу буйича жонлантирадиган саволлар:**

1. Умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинши сабаблари нима?
  2. Юридик ва жисмоний шахслар солиқларига қайси солиқлар киради?
  3. Давлат мақсадли фонdlariga aжратмалар қайси солиқларга киради?
  4. Маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджет ҳаражатларининг қанча қисмини қоплаши керак?
- Мақсадли давлат фонdlariga aжратмалар юридик шахслар



## СОЛИҚЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

### УМУМДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ

1. Юридик шахслардан ундириладиган даромад(фойда) солиғи;
2. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ
3. Қўшилган қиймат солиғи;
4. Акциз солиғи;
5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

### МАХАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР

1. Мол-мулк солиғи;
2. Ер солиғи;
3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
4. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмоли учун солиқ;
5. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиқка тортиш.


### МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР


1. Бюджетдан ташқари жамғарма:
  - Ягона ижтимоий тўлов;
  - Мажбурий суғурта бадаллари;
  - Бюджетдан ташқари жамғармасига ажратмалар; Пенсия
2. Йўл жамғармасига ажратмалар:

### СОДДАЛАШТИРИЛГАН (ЯГОНА) СОЛИҚ ТИЗИМИ

1. Ягона ижтимоий тўлов;
2. Ягона ер солиғи;
3. Фиксированный налог по отдельным видам предпринимательской деятельности.

### ***Солиқларни таснифлаш***





**Солик элементлари**

Илова 1.5.

**Ўзбекистоннинг соликقا тортиш тизими ўз мазмунига кўра солик элементлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари ва усулларини**

Солик обьекти – солик солинадиган даромад, харажат, оборот ёки мулклар қийматидир. Унинг фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ер, иморат, жами харажат каби турлари мавжуд. Масалан, ҚҚСда обьект ортилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) оборотидир, даромад солигида – даромад (фойда), мол-мулк солигида-мулк қиймати, ер солигида ер майдони ва бошқалардир.

Солик субъекти – солик муносабатларида қатнашувчи солик тўловчилардир (юридик ва жисмоний шахслар). Солик муносабатларида солик тўловчилардан ташқари солик ундирувчи давлат ҳам қатнашади. Унинг номидан маҳсус ташкилот – солик хизмати идоралари қатнашади. Бунда солик тўловчи субъект

Солик манбай – бу субъектнинг даромадидир. Баъзи соликларда даромад ва фойда ҳам солик обьекти, ҳам солик манбай бўлади. Лекин бошқа соликларда обьектлар ҳар хил, манба эса – даромад бўлади. Соликларнинг шундай қонуни борки, улар ҳеч қачон манба миқдоридан (объектдан) ортиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда манба

Соликка тортиш бирлиги – бу ерда обьектнинг ўлчов бирлиги. Бу даромад солигида сўм, ер солигида кв. метр, сув солигида куб. метр ва бошқалар.

Солик ставкаси – обьектнинг щар бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир, яъни давлатнинг солик обьектидаги улуши, хиссасидир. Солик ставкаси икки усулда белгиланади: қатъий ставкаларда (сўмларда) ва нисбий ставкаларда – фоизларда

Солик оғирлиги – солик тўловчининг ҳамма соликлар ва тўловларни давлат фондларига тўлашдир. Мамлакат миқёсида солик оғирлиги ҳамма тўланган солик ва тўловларнинг ЯИМдаги салмоғи сифатида ифодаланади. Аммо солик оғирлиги аниқ солик тўловчининг олган даромадига нисбатан жами тўлаган соликлари ва тўловлари

Солик ставкаларининг турлари. Ўзбекистон солик қонунчилигига солик ставкаларнинг асосан уч тури амал қиласи: пропорционал, прогрессив ва нолли ставкалар. 2002 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиги ва мол-мулк солиги бўйича асосий ставкага қўшимча регрессив ставка (имтиёз тариқасида) қўлланила бошланди.

### Ақлий хужум қоидалари:

- Хеч қандай ўзаро танқид ва баҳолаш бўлмаслиги керак!
- Таклиф қилингтанған ғояга баҳо беришдан сақлан, агар у жуда юқори ва бажарилиш эҳтимоли бўлмаса хам – ҳаммасига руҳсат берилади.
- Барча келтирилган ғоялар қимматли ва тенг кучли – уларни танқид қилмаслик керак.
- Жавоб берадиганни тухтатмаслик керак!
- Камчилик кўрсатишдан сақлан!
- Мақсад миқдор хисобланади!
- Қанча кўп фикр билдирилса шунча яхши: Янги ва қимматли ғоянинг туғилишига эҳтимол шунчалик кўп булади.
- Фикрлар тақорорланса эътибор бермаслик керак.
- Пайдо бўлган ғояни агар у сенинг назаринг бўйича қабул қилинган схемага жавоб бермаса хам ташлаб юбормаслик керак.
- Ушбу муоммани фақат мавжуд усууллар билан ечиш мумкин деб ўйлама.

### Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиққа тортиш обьектига қараб солиқлар қандай гурӯҳланади?
2. Оборотдан олинадиган солиқларга қайси солиқлар киради?
3. Даромаддан олинадиган солиқларга қайси солиқлар киради?
4. Мол-мулк ва ер майдонларидан олинадиган солиқларга қайси солиқларни киритиш мумкин?
5. Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб қандай гурӯҳланади?
6. Тўғри солиқлар таркибига қандай солиқлар киради ва у нима учун тўғри солик деб аталади?
7. Билвосита солиқлар таркибига қандай солиқлар киради?
8. Билвосита солиқларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг?
9. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?
10. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусиятлари нима?
11. Солик тўловчилар қандай ҳуқуқларга эга?
12. Солик тўловчилар қандай мажбуриятларга эга?

### Мавзу 2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги (2-соат)

**Режа:**

1. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва бюджет даромадларида тутган урни.
2. Фойда солиғи тўловчилари
3. Солик солиш обьекти, солик солинадиган база, жами даромад таркиби
4. Жами даромаднинг таркиби
5. Жами даромаддан чегирмалар
6. Фойда солиғи ставкалари
7. Соликдан бериладиган имтиёзлар.
8. Фойда солиғини ҳисоблаш, ҳисбот топшириш ва тўлаш муддатлари

**Таянч сўз ва иборалар:** юридик шахслар, резидент ва норезидентлар, соликка тортиш база, ялпи тушум, соф фойда, соликка тортилгунча фойда, сотилган маҳсулотдан олинган тушум, давр харажатлари, асосий фаолият даромадлари, солик суммаси.

Қуйидаги жадвал маълумотларида 2018 йилда юридик шахсларнинг фойдасига солик ставкалари келтирилган.

**Юридик шахслар фойдасига солинадигна солик  
СТАВКАЛАРИ<sup>1</sup>**

№	Тўловчилар	Солик солина- диган базага нисбатан %да солик ставкалари
1	Юридик шахслар (2-3 бандлардагидан ташқари)	14
2	Тижорат банклари	22
3	Рентабеллик даражасига биноан мобил алоқа хизматини кўрсатаётган юридик шахслар: 20 фоизгача	14
	20 фоиздан юқори	Рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлганда фойдадан 50 фоиз

**Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Қуйидаги маълумотларга асосан фойда солиғини ҳисобланг. (маълумотлар минг сўм ҳисобида келтирилган)

1. Маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан тушган тушум – 4380
2. Қўшилган қиймат солиғи – 688
3. Акциз солиғи – 500
4. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннахи – 2695
5. Сотиш харажатлари – 35
6. Маъмурий харажатлар – 83
7. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад – 35
8. Олинган дивидендлар – 75
9. Валюта курси бўйича мусбат фарқ - 29

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори.

10. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар – 15
11. Фавқулотда фойда – 5
12. “Харажатлар таркиби тўғрисида....” ги Низомнинг 1-илова харажатлари - 312
13. Солик имтиёзи - 100

**Ечилиши:**

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг обьекти “Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ аниқланиб, унга мувофиқ солиқ обьектини аниқлаш қўйидаги тартибда олиб борилади.

$$ЯФ = ССТ - ИТ = 3192 - 2695 = 497$$

(бу ерда, ЯФ - ялпи фойда; ССТ - сотишдан олинган соф тушум; ИТ- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи).

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ = 497 - 118 + 35 = 414$$

(бу ерда, АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда; ДХ - давр харажатлари; БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар).

$$УФ = АФФ + МД - МХ = 414 + 104 - 15 = 503$$

(бу ерда, УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ - молиявий фаолият харажатлари).

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ = 503 + 5 = 508$$

(бу ерда, СТФ- солиқ тўлангунгача олинган фойда; ФП-фавқулотда фойда; ФЗ- фавқулотда зарар).

2. СТФга юқоридаги Низомнинг 1-илова харажатлари ва 2-илова харажатларининг фарқи тикланади, яъни бизнинг мисолимизда:

$$508 + 312 = 820 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

Ушбу суммадан акциялар ва қимматли қоғозлардан дивидендлар (фоизлар) тўлов манбаида солиққа тортилганлиги боис чегирилади, яъни:

$$820-75=745 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

Шундан солиқ бўйича имтиёзлар чегирилади, яъни

$$745-100=645 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

3. 2017 йил учун фойда солиғи ставкаси 9 фоизлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ суммаси:

$$Д(ф)с = 645 \times 9/100 = 58,05 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

**2-масала.** Ишлаб чиқариш корхонаси иккинчи йил фаолият юритмоқда, унинг фойда солиғи тўлагунгача бўлган даромади (2-сон, 170-сатр) 350 минг сўм бўлган.

Ҳисобот даври учун қўшимча равишда қўйидаги маълумотлар мавжуд:

Хокимиятга ҳомийлик ёрдами кўрсатилган – 18 минг сўм;

Қариялар уйига ёрдам кўрсатиш учун – 249 минг сўм .

*Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим бўлган даромад солиғи неча сўмга тене?*  
(солиқ ставкаси – 14 %)

**3-масала.** Кўшилган қиймат солиғи ва фойда солиқлар тўловчиси ҳисобланган ишлаб чиқарувчи корхона 2018 йил ҳисобот даври учун қўйидаги кўрсаткичларга эга:

Ички бозорда маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 12800 минг сўм;

Чет эл валютасига сотилган маҳсулот 14 минг АҚШ доллари миқдорида (юк ортилган вақтда 1 АҚШ доллари – 7800 сўм);

Омборхоналарни ижарага беришдан олинган соф даромад – 2700 минг сўм;

Ускуналарни ўз вақтида олиб келиб ўрнатилмагани учун сотувчи корхонадан тушган жарима ва шартномада қўрсатилган қўшимча тўлов – 998 минг сўм;

Ёрдамчи корхонадан олингандар (дивидендан ундирилган солик ҳақидаги маълумот мавжуд) – 1339 минг сўм;

“Ишонч” фирмаси томонидан ходимлар бўлимига тегишли 1751 минг сўмлик компютер дастури яратилган ва текинга ўрнатиб берилган.

2015 йилда қонунчиликка асосан чегирмага олиб борилган 3010 минг сўмлик сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушган.

Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи – 11375 минг сўм, шу жумладан ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши белгиланган меъёрга нисбатан 2 коэффициент қўлланилган бўлиб, 2100 минг сўмни ташкил этган.

Ўтган давр учун қўйидаги харажатлар амалга оширилган:

Меъёр чегарасида ўзининг маҳсулотини реклама қилиш учун – 125 минг сўм сарфланган;

Бошқарувда ишловчилар учун иш ҳақи бўйича харажат – 4495 минг сўм;

Хизмат сарфари харажатлари, меъёрдагиси – 392 минг сўм, меъёрдан юқори – 85 минг сўм;

Хизмат автомобили сақлаш учун харажатлар – 145 минг сўм;

Уяли телефон (маъмурий харажатлар таркибига) – 1200 минг сўм;

Ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган асосий воситаларнинг эскириши – 895 минг сўм; Ҳисобот даврида ҳисобвараклар бўйича олинганд қўшилган қиймат солиғи – 925 минг сўм.

**Аниқланг:**

1. Ҳисобот даврида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган фойда солиги суммасини (солик ставкаси 14% - 2018 йил учун).

2. Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини.

3. Корхонанинг молиявий натижалари бўйича ҳисоботни тузинг.

4. Ҳисобот даври учун фойда солигининг шаклини тўлдиринг.

Масалани ечиш даврида мол- мулк солиғи, ер солиғи ҳамда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларга аҳамият бермасликка рухсат этилади.

4-масала. *Қўйидаги маълумотлар асосида фойда солигини ҳисобланг (минг сўм):*

1. Сотишдан олинганд соф тушум – 3192

- шундан экспорт фаолиятидан – 670

2. Солик тўлангунга қадар олинганд фойда – 508

3. Олинганд дивиденслар – 75

4. Солик бўйича имтиёзлар – 100

**Ечилиши:**

1. Республикализ солик қонунчилигига мувофиқ юридик шахсларнинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспортига имтиёзли ставкалар белгиланган. Демак, имтиёзли ставкаларнинг қайси бирини қўллашни аниқлаш учун экспорт маҳсулотининг умумий сотиш ҳажмидаги салмоғи аниқланади, яъни:  $(670 / 3192) \times 100 = 20.9$

Ушбу мисолда экспорт маҳсулотининг умумий сотиш ҳажмидаги салмоғи 20.9 фоизни ташкил этади. Бундай ҳолда белгиланган фойда солиғи ставкаси 30 фоизга камаяди, яъни:

$9 \times 30 / 100 = 2.7$  га, демак корхона фойда солиғини 6.3 фоизда ( $9 - 2.7$ ) тўлайди.

2.  $508 + 312 - 75 - 100 = 645$  минг сўм.

$645 \times 6.3 / 100 = 40.635$  минг сўм.

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Фойда солиги Ўзбекистонда қачон жорий қилинган?
2. Юридик шахслар фойда солифини тўловчилари кимлар?
3. Резидент ва норезидент кимлар ва улар қандан тартибда солиққа тортилади?
4. Солиқ объекти ва солиққа тортиш базаси қандай аниқланади?
5. Корхонанинг молиявий фаолият натижалари фандай аниқланади?
6. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилган?
7. Махсулотини экспорт қилувчи корхоналар учун қандай ставкалар белгиланган?
8. Қандай юридик шахслар фойда солигидан тўлиқ озод этилади?
9. Юридик шахсларнинг қандай фойдаси юридик шахслар фойда солифини тўлашдан озод этилади?
10. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан камайтирилади?
11. Фойда солиги бўйича 2017-2018 йилларда қандай солиқ имтиёzlари берилди?

### **Мавзу 3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги (2-соат)**

#### **Режа:**

1. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг тўловчилари
2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база
3. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби
4. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг ставкалари.
5. Солиқдан бериладиган имтиёzlар.
6. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби
7. Даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиқ солиш

**Таянч сўз ва иборалар:** жисмоний шахслар, резидент ва норезидентлар, жисмоний шахслар даромадлари, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқ солиш обьектлари ва субъектлари, солиқ имтиёzlари, иш ҳақи фонди, солиқдан озод этилиши.

2018 йил январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошка даромадлари суммалардан солиқ (агар бошка ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, Солиқ ҳолатларни қуида кўриб чиқамиз) қуидаги миқдорда ундирилади:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоригача	Даромад суммасининг 0 фоизи
Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан (+1 сўм) беш баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ошадиган сумманинг 7,5 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ, + беш бараваридан ошадиган сумманинг 16,5 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоригача (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ, + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22,5 фоизи

### **Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Жисмоний шахсга 2018 йилнинг май ва июн ойларида 450 000 сўм (225000+225000) иш ҳақи ҳисобланган. Май ойи учун 29400 сўм солик ушланган. Жисмоний шахсдан июн ойида ушланиши лозим бўлган *даромад солиги суммасини аниқланг?*

**Ечилиши:**

1. СТД= 270000 сўм

2. Май ва июн ойлари учун энг кам иш ҳақи 172460 сўм ни ташкил этади.

172460 сўм – 0%

172460 сўм x 4 (карра) = ?

172460 сўм x5 (карра) = ?

3. Июн ойи учун ушланиши лозим бўлган солик суммаси ? сўмни ташкил этади.

**2-масала.** ЎзР Солиқ Кодекси бўйича ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида имтиёзга эга бўлган жисмоний шахсга 2018 йил август ойида 435000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Жисмоний шахсдан ушланиши лозим бўлган *даромад солигини аниқланг?*

**3-масала.** Жисмоний шахсга 2018 йил август ва сентябр ойларида 474000 сўм (237000+237000) иш ҳақи ҳисобланган. Шунингдек август ойида 70000 сум мукофот берилган. Жисмоний шахсдан июл ва август ойларида ушланиши лозим бўлган солик суммасини ҳисобланг?

**4-масала.** 2 - гурӯҳ ногиронига 2018 йил август ва сентябр ойларида 960000 сўм (480000+480000) иш ҳақи ҳисобланган. Август ойида 60448 сўм солик ушланган. Сентябр ойида ушланиши лозим булган солик суммасини ҳисобланг?

**5-масала.** Корхона ҳисобчиси У.Бадаловга 2018 йил январ ойида 485000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Ундан қанча миқдорда даромад солиғини ундириш лозимлигини аниқланг?

2018 йил учун жисмоний шахсларни мол-мулкига солик ставкалари кўйида келтирилган:

**Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик  
СТАВКАЛАРИ**

<i>№</i>	<i>Солик солинадиган объектларнинг номи</i>	<i>Солик ставкаси, мол-мулкнинг кадастр қийматига нисбатан %да*</i>
1	Туар жойлар, квартиralар (бундан умумий майдони 200 кв.м дан ошиқ бўлганлари мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	0,2
2	Шаҳарларда жойлашган, умумий майдони қўйидагича бўлган туар жойлар ва квартиralар:	
	200 кв.м дан ошиқ ва 500 кв.м гача бўлган	0,25
	500 кв.м дан ошиқ бўлган	0,35
3	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.метр дан ошиқ бўлган туар жойлар ва квартиralар	0,25

\*) Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблааб чиқарии мақсадида мол-мулкнинг қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланади, бироқ 42 000 минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

**Изоҳлар:**

1. Жисмоний шахслар мол-мулкими баҳолаш бўйича органлар белгилаган инвентаризатсия қиймати бўлмаса, солик ундириши учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 210 000 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда – 90 000 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилади.

2. Конун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиги бўйича имтиёзларни қўллаши мақсадида солик солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв.м ҳажсмida белгиланади.

### **Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Фуқаро Сафаров Шерзод Тошент шаҳар Юнусобод тумани Тс-2, 24-йдан харид қилган 4 хонали квартирасининг техник инвентаризациялаш бюроси томонидан нархланган баҳоси 1850 минг сўмни ташкил этади.

*Мол-мулк солиги суммасини ҳисобланг?*

**2-масала.** Фуқаро Сафаров Шоҳруҳ 2018 йил сентябр ойида Тошент шаҳар Чилонзор туманидан 4,0 сотих майдонга эга бўлган тураржой сотиб олди. Сотиб олинган тураржойнинг техник инвентаризациялаш бюроси ходимлари томонидан нархланган қиймати 2450 минг сўмни ташкил этади.

*Мол-мулк солиги суммасини ҳисобланг ва фуқаро Сафаров Шоҳруҳ 2008 йил учун қанча миқдорда солик тўлаши лозим бўлади.*

**3-масала.** Фуқаро Сафаров Санжар 2018 йилда ўз шахсий автомашинаси учун гараж сотиб олди. Гаражнинг нархланган қиймати 1480 минг сўмни ташкил этди.

*Фуқаро Сафаров Санжар қанча миқдорда мол-мулк солигини тўлаши лозим?*

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Қандай шахсларни жисмоний шахслар деб аташади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджет даромадлари таркибида қандай аҳамиятга эга?
5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари кимлар?
6. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига қайси даромад турлари киради?

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахсларнинг қандай мол-мулклари солик солиш обьекти ва базаси ҳисобланади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари кимнинг қарори билан белгиланади?
4. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкаси 2009 йилда неча фоиз қилиб белгиланган?
5. Жисмоний шахслар мол-мулкими баҳолаш бўйича инвентаризация қиймати бўлмаса солик ундириш қандан тартибда амалга оширилади?
6. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи суммаси қайси давлат органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади?

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахсларнинг қандай эрлари солиқ солиш обьекти бўлаолади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари қандай белгиланади?
4. Жисмоний шахслар берилган эрлардан фойдланмаган ҳолатда қандай тартибда улардан солиқ ундирилади?
5. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан қандай тартибда солиқ ундирилади?
6. Қандай тоифадаги фуқаролар ер солиғидан озод этилади?
7. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи қайси давлат органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
8. Дехқон хўжаликлари ер солиғини бюджетга тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?
9. Ер солиғи бўйича тўлов хабарномалари солиқ тўловчиларга қайси муддатгача этказилади?
10. Ер солиғи қайси муддатда маҳаллий бюджетга тўланади?

### **Мавзу 4. Кўшилган қиймат солиғи (2-соат)**

**Режа:**

1. Кўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимида жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти.
2. Солиқ тўловчилар.
3. Солиқ солиш обьекти ва солиқ солинадиган база.
4. Солиқ имтиёзлари.
5. ҚҚС солиқ ставкаси ва солиқни ҳисоблаш механизми
6. Ҳисобваррақ фактурани тўлдириш тартиби.
7. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.

**Таянч сўз ва иборалар:** Кўшилган қиймат солиғи, солиқ ставкаси, нолли ставка, экспорт, импорт, солиқ имтиёзлари, солиқ даври, солоқ ҳисоблаш усуллари, солиқ солиш обьекти, солиқ солиш базаси, ҳисобваррақ фактура тўлдириш тартиби.

### **Ўзбекистон худудида қўшилган қиймат солиғи қўйидаги ставка бўйича тўланади:**

ҚҚС ставкаси	Солиқ солиш обьекти
20%	Солиқ солиш айланмалари Импорт айланмалари
Ноль ставкали	1) Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металлар бундан мустасно); 2) Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «божхона худудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса;

	<p>3) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатларининг юкларини ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш (транзит ташишлар) бўйича ҳизматлар. Чет мамлакатлар юкларини транзит ташишларга юкларнинг транзитини амалга ошириш учун ҳорижий шахслар билан бевосита шартномалар ёки ҳалқаро траспорт битимлари ва божхона органларининг кўрсатилган транзит юкларнинг амалда олиб келингани ва олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги белгилари мавжуд бўғанида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатлар транзит юкларининг ташилиши ва ҳизмат кўрсатишга доир ҳизматлар киради;</p>
	<p>4) Сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган ҳизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган, шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган ана шундай ҳизматларга;</p>
	<p>5) Чет эл тарафи ўзаролик принципига амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, ҳизматларга);</p>
	<p>6) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис ҳизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, ҳизматларга)</p>

**Қўшилган қиймат солиги суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:**

$$С\kappa\kappa = Сай \times Н : 100;$$

бунда: **С\к\к\с** — истеъмолчилардан ундириладиган солик суммаси;

**Сай** — соликقا тортиладиган айланма, **Н** — қўшилган қиймат солиги ставкаси.

Товарлар (ишлар, ҳизматлар) қўшилган қиймат солигини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида — солик қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$С\kappa\kappa = Т\kappa \times Н : (Н + 100);$$

бунда: **Т\к**—қўшилган қиймат солиги билан ҳисобга олинган товарлар (ишлар, ҳизматлар) қиймати.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлар, ҳизматларни импорт қилувчи юридик шахслар ана шу импорт қилинадиган ишлар, ҳизматларга қўшилган қиймат солиги тўловчилари ҳисобланади.

**Импорт қилинадиган ишлар (ҳизматлар)** бўйича қўшилган қиймат солиги қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$С\kappa\kappa = С \times Н : 100,$$

бу ерда: **С\к\к\с** — қўшилган қиймат солиги суммаси; **С** — далолатнома, маълумотаома ёки бошқа ҳужжатларга кўра тасдиқланадиган, импорт қилинадиган ишлар, ҳизматлар қиймати; **Н** — қўшилган қиймат солигининг фоизлардаги ставкаси.

**Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Қуйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солигини ҳисобланг (минг сўм). 1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материиллар – 6500

2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати – 13200

**Ечилиши:**

1. Корхона ҳисобот даврида жўнатилган товарлари буйича имтиёзга эга бўлмаганлиги боис жами реализациядан солиқ тулайди, яъни:

$$С_к_к_с = Стоб \times СС / 100 = 13200 \times 20 \% = 2640 \text{ минг сўм.}$$

(бу эрда, С<sub>к</sub>к<sub>с</sub> – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси; Стоб – солиққа тортиладиган оборот; СС – солиқ ставкаси).

2. Бюджетга ўтказилиши лозим булган солиқ суммасини аниқлаш учун ҳисобот даврида қўшилган қиймат солиги билан харид қилинган хом-ашё ва материаллар учун тўланган қўшилган қиймат солигини айришимиз лозим, яъни:

$$Т_к_к_с = 6500 \times 20 \% = 1300 \text{ минг сум}$$

3. Бюджетга ўтказилиши лозим булган солиқ суммаси ҳисобот даврида жўнатилган товарлар бўйича ҳисобланган қўшилган қиймат солигидан харид қилинган хом-ашё ва материаллар учун тўланган қўшилган қиймат солигининг чегирмасига тенг, яъни:

$$С_б_к_к_с = С_к_к_с - Т_к_к_с = 2640 - 1300 = 1340 \text{ минг сўм.}$$

**2-масала.** Қўшилган қиймат солиги тўловчиси бўлган қайта ишлаш корхонаси жорий йилда қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 1400 минг сўм;
- бунда қайтариб берилиши лозим бўлган идишнинг нархи – 250 минг сўм;
- текинга таннархи бўйича 120 минг сўмлик маҳсулот берилган.
- Олинган жарима суммаси – 25 минг сўм;
- Банқдан олинган фоизлар – 10 минг сўм;
- 300 минг сўм корхона томонидан номоддий активлар сотилган (бошланғич нархи – 500 минг сўм, тўпланган амортизация – 320 минг сўм);
- ноликвид хом-ашё захиралари сотишдан тушган тушум – 87 минг сўм, уларнинг таннархи – 75 минг сўм;

Ҳисобварак-фактурада олинган қўшилган қиймат солиги

- хом ашё учун – 320 минг сўм;
- ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага беришдан – 150 минг сўм;
- уяли алоқадан – 70 минг сўм;

Аниқланг:

*Жорий даврда давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиги неча сўмга тенг?*

**3-масала.** Қуйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солигини ҳисобланг (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материиллар - 2500

2. Харид қилинган асосий воситалар - 4500

3. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати - 13000

4. Асосий воситалар реализацияси - 900

5. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати - 400

**Ечилиши:**

1. а) С<sub>к</sub>к<sub>с</sub> = Стоб × СС/100 = 13000 × 20 % = 2600 минг сўм;

б) Асосий воситалар реализациясида қўшилган қиймат солиги асосий воситаларнинг реализацияси ва эскириш қиймати ўртасидаги фарқдан ҳисобланади, яъни:

$$С_к_к_с = Т_к \times СС / (СС+100) = 500 \times 20 / (20+100) = 83.3 \text{ минг сўм.}$$

(бу эрда. Тқ – қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар қиймати).

Сққс =  $2600 + 83.3 = 2683.3$  минг сўм;

2. Тққс =  $2500 \times 20\% = 500$  минг сўм.

Ўз истеъмоли учун харид қилинган асосий воситалар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди, балки асосий воситанинг қиймати сифатида кирим қилинади, шунинг учун 3500 минг сўмга харид қилинган асосий воситалар қийматидаги қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди.

3. Бққс = Сққс – Тққс =  $2683.3 - 500 = 2183.3$  минг сўм.

**4-масала.** Куйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солигини ҳисобланг (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материиллар – 2220

2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати қўшилган қиймат солиғи билан – 4500  
- шундан, экспорт – 2500.

**5-масала.** Куйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солигини ҳисобланг (минг сўм). 1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материиллар – 2500

2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати – 3700

- шундан, эркин алмаштириладиган валютага экспорт – 1800

### Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қўшилган қиймат қандай таркиб топади?
2. Қўшилган қиймат солиғи илк бор қайси давлатда ким томонидан жорий этилган?
3. Қўшилган қиймат солигининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти қандай?
4. Қўшилган қиймат солиғини қандай шахслар тўлайди?
5. Қўшилган қиймат солиғи обьекти қандай аниқланади?
6. Солиқقا тортиладиган оборот деганда нимани тушунасиз?
7. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
8. Ноллик ставка қайси товарлар (иш ва хизматлар)га нисбатан қўлланилади?
9. Ҳисобварақ-фактуралар қандай тўлдирилади ва унда қўшилган қиймат солиғи қайси пунктларда кўрсатилади?
10. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ва ҳисботни тақдим этиш тартиби қандай?
11. Импорт товарларга қўшилган қиймат солиғи қайси формула орқали аниқланади?
12. Импорт қилинадиган иш ва хизматларга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш формуласини аниқланг?

### Мавзу 5. Акциз солиғи (2-соат)

#### Режа:

1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва вужудга келиш.
2. Солиқ тўловчилар.
3. Солиқ солиши обьекти ва солиқ солинадиган база.
4. Акциз солиғи ставкалари.
5. Акциз солиғини ҳисоблаш.
6. Ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби.

**Таянч сўз ва иборалар:** Акциз солиғи, солиқ ставкаси, нолли ставка, экспорт, импорт, солиқ имтиёзлари, солиқ даври, солоиқ ҳисоблаш усуллари, солиқ солиш объекти, солиқ солиш базаси.

### **Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларнинг СТАВКАЛАРИ<sup>2</sup>**

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиги ва ҚҚСни ҳисобга олмаган холда сотилган товарлар кийматига нисбатан фоизларда	бир улчов бирлигига сумда
1. Этил спирти (1 дал учун)		7,844
2. Вино (1 дал тайёр махсулот учун) табиий равишда ачитилган натурал винолар (этил спирти кушилмаган холда)		6,994
бошқа винолар		12,000
3. Коньяк, (1 дал тайёр мадсулот учун)		73 997*
4. Арок ва бошқа алкоголли махсулотлар (1 дал тайёр мадсулот учун)		67 571**
5. Пиво (1 дал тайёр махсулот учун)		7,699
6. Ўсимлик (пахта) ёги (1 тонна учун) 1: озик-овқат ёги (салома॒с ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёг ва "Ўзбекистон" ёги дан ташқари)		459,724
техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат махсулотлари таркибига кушишга яроқсиз бўлган)		252,887
7. Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папирослар (1 минг дона учун)		84,222
8. Заргарлик буюмлари	25	
9. "Женерал Моторс Узбекистон" ЕАЖ ишлаб чиқарган автомобиллар	5	
10. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
11. Қимматбахо металлар		
12. Нефть махсулотлари 1: Аи-80 бензини		321 430
Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини сум/тонну		353 430
Аи-95 бензини сум/тонну		408 890
дизель ёқилгиси сум/тонну		273 400
ЭКО дизель ёқилгиси сум/тонну		284 250
авиакеросин сум/тонну		50 580
дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи		207000
13. Табиий газ (ахолига сотиладиган табиий газ ҳажмларидан ташқари), шу жумладан экспорт	25	

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПК-3454-сонли қарори.

14. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ ("Узтрансгаз" АК минтакалараро унитар корхоналари томонидан ахолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан экспорт2	26	
--	----	--

**Акциз солигининг суммаси қўйидаги формулага асосан ҳисобланади.**

1. Акциз солигининг қатъий солик ставкалари белгиланган ҳолатларда, жумладан:

- Тайёр маҳсулот бирлигига Акциз солигининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича (Этил спирти, ароқ, конъяқ, вино, шампан виноси, пиво, ҳамда тамаки маҳсулотлари ва ўсимлик мойи)

**Ф x А,**

бунда: Ф - тегишли ўлчов бирликларида сотилган маҳсулотнинг табиий ҳажми; А — Акциз солигининг қатъий тавкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

2. Бошқа фоиз (адвалор) кўринишидаги ставкалар белгиланган Акцизланадиган маҳсулотлар бўйича Акциз солиги суммаси қўйидаги формулага асосан аниқланади:

**AC = (O x A) : 100,**

бунда: О — ўз ичига Акциз солигини оладиган нарх, ҚҚСиз; А — акциз солиги ставкаси, фоизларда.

Акциз солиги суммасининг ҳисоб-китоби учун акцизни ўз ичига оладиган нарх қўйидаги формула бўйича аниқланади:

**O k (C x 100) : 100 – A**

бу ерда: О — ҚҚСиз акциз солигини ўз ичига оладиган нарх; С — корхонанинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (меърий харажатлар ва фойда меъёри); А — акциз солиги ставкаси.

*Ставкалари фоизларда белгиланган Акцизланадиган маҳсулот бўйича акциз солигининг ҳисоб-китобига шартли мисол*

	Маҳсулот бирлигининг таннархи	сўм	1500
	Зарурий фойда	сўм	100
	Маҳсулотнинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр К 2-сатр)	сўм	1600
	Акциз солиги ставкаси	%	20
	Акциз солиги билан маҳсулотнинг нархи (ҚҚСиз) (3-сатр x 100) : (100 - 4-сатр)	сўм	2000
	Акциз солигининг суммаси (5-сатр - 3-сатр)	сўм	400

**Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Қўйидаги маълумотларга асосан *акциз солигини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Корхонанинг ҳисобли баҳоси – 2200

2. Маҳсулот учун белгиланган солик ставкаси – 25 %.

*Ечилини:*

Акциз солиги қўйидагича аниқланади:

$$Ac = O \times A / 100 = (2200 \times 25) / 100 = 550 \text{ минг сўм}, \quad \text{ёки}$$

$$Ac = 2750 - 2200 = 550 \text{ минг сўм}$$

**2-масала.** Қўйидаги маълумотларга *acosan akciiz soligi va қўшилган қиймат soligini ҳисобланг* (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар – 3800

2. Корхонанинг ҳисобли баҳоси – 7000

3. Маҳсулот учун белгиланган солиқ ставкаси – 11 %

**3-масала.** 40 минг бутилка (0.5л дан) ароқни сотиша акциз солиғи суммасини ҳисобланг, агарда ароқдан спиртнинг ҳажми 40% ни ташкил эза.

*Акциз солиғи суммасини ҳисобланг?*

**4-масала.** Юридик шахс Ўзбекистон Республикаси божхона худудига 1 млн. дона сигаретани импорт қилмоқда. Мазкур сигареталардан божхонада тўланадиган акциз солиғини аниқланг.

Маркаланадиган, импорт қилинадиган тамаки маҳсулотларига акциз солиғи куйидагича ҳисобланади:

Товарнинг номланиши	Маҳсулот бирлиги учун нархи, АҚШ долл.	1 млн. дона учун божхона қиймати	Акциз ставкалари ва суммаси		
			Солиқ солинадиган база	Ставка	Сумма
Филтрли сигареталар	0,03	30,0 минг. АҚШ долл.*			
Курс 1:7800		39000 минг.сўм	1 млн. дона	1000 донасига 10 АҚШ доллари	10 минг АҚШ доллари

**5-масала.** Алкоголли маҳсулот бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи ҳисоб-китобига доир.

№	Кўрсаткичлар	Коняк	Ароқ	Вино
1.	Тайёр маҳсулотнинг физик ҳажми	420	400	450
2.	Акциз солиғи ставкаси			
<i>a)</i>	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	11300	11300	-
<i>б)</i>	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	-	-	3000
3.	Ҳисоблаб ёзилган акциз солиғининг суммаси			
<i>a)</i>	(1-сатр x 2а-сатр)	4746000	4520000	
<i>б)</i>	(1с x (2б-сатр))	-	-	1350000
4.	"Ўзвиносаноат-холдинг" ХК маҳсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг ставкаси			
<i>a)</i>	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига)	710	710	-
<i>б)</i>	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига)	-	-	410
5.	"Ўзвиносаноат-холдинг" ХК маҳсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг суммаси (1-сатр x 4а-сатр / 100) (тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	298200	284000	-
<i>б)</i>	(1с x 4б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	-	-	184500
6.	Бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси			
<i>a)</i>	(За-сатр - 5а-сатр)	4447800	4236000	-
<i>б)</i>	(3б-сатр - 5б-сатр)	-	-	1165500

**6-масала.** Ўсимлик (пахта) ёки бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғининг ҳисоб-китобига доир.

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	
1.	Корхонанинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри)	1 тонна учун сўмда	182900
2.	Акциз солиги:	1 тонна учун сўмда	495000
	а) умумбелгиланган ставкада	1 тонна учун сўмда	440550
	б) бюджетга тўланадигани в) "Ёғмойтамакисаноат" уюшмасига ўтказиладигани (2а-сатр - 2б-сатр)	1 тонна учун сўмда	54450

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

- Акциз солиги қачон жорий этилди?
- Акциз солиги тўловчилар қандай гурухланади?
- Акциз ости товарларини аниқлаш мезонлари қандай?
- Акциз солиги обьекти нималардан иборат?
- Акциз солиғининг базаси қандай аниқланади?
- Акциз солиғини тўлашдан кимлар озод этилган?
- Акциз солиги ставкалари ва акцизости товарлар рўйхати ким томонидан белгиланади?
- Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?
- Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишининг хусусиятлари нимада?
- Акциз солиги ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?
- Акциз маркалари нима ва у қачон жорий этилган?
- Қандай ҳолатда акцизга тортиладиган товарлар маркаланмайди?
- Маркаларни харид қилишга доир буюртманома қайси банк орқали амалга оширилади?

**Мавзу 6. Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқлар ва маҳсус тўловлар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. (2-соат)**

**Режа:**

- Ер қаридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва маҳсус тўловлар.
- Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ.
  - Солиқ тўловчилар.
  - Солиқ солиш обьекти ва солиқ солинадиган база.
  - Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари.
  - Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби.
  - Қўшимча фойда солиги.
  - Бонуслар.
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- 5.1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар.**
  - Солиқ солиш обьекти, солиқ солинадиган база ва уни белгилаш тартиби.
  - Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари.
  - Солиқ имтиёzlари.
  - Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ даври, солиқ ҳисоблаш усуллари, солиқ солиш обьекти, солиқ солиш базаси.

2018 йил 1 январдан бошлаб ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари куйидагича белгиланган.

**Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ  
СТАВКАЛАРИ<sup>3</sup>**

<i>Солиқ солинадиган обьект номи</i>	<i>Солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</i>
<b>1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар кавлаб олиниши учун</b>	
<b>Энергия манбалари:</b>	
Табиий газ	30,0
Утилизация қилинган табиий газ	9,0*
Ер остидан кавлаб олинган газ	2,6
Ностабил газ конденсати	20,0
Нефт	20,0
Кўмир	4,0
<b>Рангли ва ноёб металлар:</b>	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулоти	4,0
Контцентратланган қўрғошин	4,0
Металл рух	4,0
Волфрам концентрати	10,4
Уран	10,0**
<b>Асл металлар:</b>	
Олтин	5,0
Кумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зеб-зийнат учун тошлар хом ашёси	24,0
<b>Қора металлар:</b>	
Темир	4,0
<b>Кон-кимё хом ашёси:</b>	
Тош туз (овқатга ишлатиладиган)	3,5
Калий тузи	3,5
Натрий сулфати	3,5
Фосфоритлар (графитларга)	5,0
Карбонат хом ашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,5
Глауконит	3,5
Минерал пигментлар	4,8
<b>Кон-руда хом ашёси:</b>	
Плавик шпатли концентрат	21,2
Табиий графит	8,0

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори.

Иккиламчи бойитилмаган кулранг каолин	7,9***
Кварц-дала шпати хом ашёси	6,5
Шиша хом ашёси	3,0
Бентонитли гил	4,8
Талк ва талк тоши	4,0
Талкомагнезит	4,0
Минерал бўёқлар	5,7
Воллостанит	4,0
Асбест	4,0
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базалт	4,0
Барит контсентрати	4,0
<b>Металлургия учун норуда хом ашё:</b>	
Ўтга чидамли, қийин эрувчан, қолиплаш гили	4,0
Оҳактошлар, доломитлар	4,0
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш қумлари	4,0
Вермикулит	4,0
<b>Норуда қурилиш материаллари:</b>	
ТСемент хом ашёси	5,0
Табиий безактошдан блоклар	5,0
Мармар ушоғи	5,0
Гипс тоши, ганч	5,0
Керамзит хом ашёси	5,0
Фишт-черепитса хом ашёси (кумоқсимон, лёссимон жинслар, лёсслар, зичловчи сифатида қумлар ва бошқалар)	5,0
Гипс ва ангидрит	5,0
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	5,0
Курилиш қумлари	5,0
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майда тошлар, шағал	5,0
Қумтошлар	5,0
Чиганоқ, оҳактош	5,0
Сланетслар	5,0
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (мергеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	5,0
<b>2. Техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали қазилмалар</b>	Асосий фойдали қазилмани кавлаб олганлик учун ставканинг 30%и

\*) Белгиланган ставка бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибда утилизация қилинган табиий газни реализация қиладиган корхона томонидан тўланади.

\*\*) «Навоий КМК» ДК уранни кавлаб олганлик бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда тўлайди.

\*\*\*) Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ маҳсулотларнинг реализация қилинган ҳажми бўйича белгиланган ставкаларда тўланади

**Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Нефт қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 1600 тонна нефт қазиб олган. Корхона қайта ишлаш учун 1600 минг сўмга (ҚҚС ва акциз солиғисиз) реализация қилган. Корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг?

*Ечилиши:*

1. Нефт маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган ҳақиқатда сотилиш қийматидан 20,0 % да тўланиши белгиланган;
2. Нефт маҳсулотларининг қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаймиз.:

$$1600 \times 20 \% = 320,0 \text{ минг сўм}$$

**2-масала.** Кўмир қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 1900 тонна кўмир қазиб олган ва унинг 45 фоизини 8400 минг сўмга реализация қилган. Корхонанинг тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг?

**3-масала.** Корхона ҳисобот даврида 2500 тонна темир рудасини қазиб олиб, унинг бир қисмини 1300 минг сўмга ҚҚС билан реализация қилган. Корхонанинг тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг?

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454 сонли қарорига асосан 2018 йилга солиқ ставкалари

	<i>Тўловчилар</i>	<i>1 куб метр учун ставка (сўм)</i>	
		<i>Ер усти сув ресурслари манбалари</i>	<i>Ер ости сув ресурслари манбалари</i>
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари (2-4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари), деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар), шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жисмоний шахслар	98,2	124,8
2	Электр станциялари	28,4	42,2
3	Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	53,9	69,7
4	Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар*: - алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича	15,870,0	15,870,0
	- бошқа мақсадларда	98,2	124,8

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Ер қаъридан фойдаланганда солиқка тортишнинг зарурлиги нимада?
2. Бонуслар нима?
3. Ренталс нима?

4. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушуми асосан қайси ер ости қазилма бойликлари ҳиссасига түғри келади?
5. Республикаизда энг йирик солиқ тұловчилар жумласига қайси корхоналар киради?
6. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумининг асосий қисми республикаиздин қайси худудлари ҳиссасига түғри келади?
7. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортиш обьекти ва базаси қандай аниқланади?
8. Қайси мезонлар асосида солиқ ставкалари табақалаштирилади?
9. Ҳозирги вактда ер ости қазилма бойлиklärнинг нечта турига нисбатан солиқ ставкалари белгиланган?
10. Солиқ кодексида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан имтиёзлар күзда тутилғанми?
11. Кенг тарқалған фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қандай тартибда солиқ мажбуриятларини амалға оширадилар?

**Сув ресурслариdan фойдаланганлик учун солиқ  
Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Саноат корхонаси ҳисбот даврида жами 60000 куб. метр сув ресурсларидан фойдаланған бўлиб, шундан 35 фоизи ер ости манбаларидан, қолган қисми эса ер усти манбаларидан олинган. Корхона тұлаши лозим бўлған сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

*Ечилиши:*

Саноат корхоналари учун ушбу солиқ ставкалари ер усти манбаларидан олинган сув учун бир куб метрга 640.0 тийин, ер ости манбаларидан фойдаланилған сув учун бир куб метрга 820.0 тийин белгиланган.

Корхона 15000 куб метр ( $60000 \times 35\%$ ) ер ости сувларидан; 21000 куб метр ( $60000 - 15000$ ) ер усти сувларидан фойдаланған.

Солиқ суммаси:

$$21000 \times 640 \text{ (6.4 сўм)} = 134400 \text{ сўм}$$

$$15000 \times 820 \text{ (8.2 сўм)} = 123000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

**2-масала.** Электростанция ҳисбот даврида 450000 кб.метр ер усти сув ресурсларидан, 50000 куб.метр ер ости сув ресурсларидан фойдаланған. Корхона тұлаши лозим бўлған сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

*Ечилиши:*

1. Электростанциялар учун ушбу солиқ ставкалари ер усти манбаларидаги сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 1 куб.метрга 183.0 тийин, ер ости манбаларидан фойдаланилған сув учун 1 куб метрга 273.0 тийин белгиланган.

2. Фойдаланилған сув ҳажмидан ва белгиланған солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисблаймиз:

$$450000 \times 183.0 \text{ (1.83 сўм)} = 823500 \text{ сўм}$$

$$50000 \times 273.0 \text{ (2.73 сўм)} = 136500 \text{ сўм}$$

$$\text{Жами: } 823500 + 136500 = 960000 \text{ сўм.}$$

**3-масала.** Коммунал ҳўжалиги ҳисбот даврида 170 000 метр куб ҳажмидә аҳоли пунктларини сув билан таъминланған. Шунингдек ўз истеъмоли учун 27000 метр куб ер усти сув ресурсларидан фойдаланған. Корхона тұлаши лозим бўлған сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

**4-масала.** Саноат корхонаси М.Улуғбек тумани ДСИда рўйхатига олинган. Корхона ҳисбот даврида Қибрай тумани худудидаги сув ресурсларидан (ер усти манбаларидан) 35000 метр куб, ўзи жойлашган туман ер ости сув манбаларидан 16000 метр куб

фойдаланган. Корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг ва корхона солиқ ҳисоб-китобини қайси туман ДСИга тақдим этади ва солиқни тўлайди.

### Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан кўзда тутилган мақсад нима?
2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари кимлар?
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни давлат бюджетига таъминлаб берадиган асосий солиқ тўловчиларни биласизми?
4. Жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлаолишадими?
5. Солиқка тортиш обьекти қандай тартибда аниқланади?
6. Солиқ ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
7. Солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида ўрнатилган?
8. Қандай юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқдан озод этилади?
9. Дехқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бюджетга тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Солиқ қайси муддатда давлат бюджетига ўтказилади?

### Мавзуа 7. Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ. Юридик шахсларлан олинадиган ер солиғи. (2-соат)

#### Режа:

- 1.Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ
  - 1.1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар.
  - 1.2. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни обьекти, солиқ солинадиган база ва солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби.
  - 1.3. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар.
  - 1.4. Юридик шахсларни мол-мулк солиғи ставкалари.
  - 1.5. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.
2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.
  - 2.1.Ер майдонларининг солиқка тортилишининг асосий сабаблари. Ер солиғининг иқтисодий моҳияти.
  - 2.2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар.
  - 2.3. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини солиқ солиш обьекти ва солиқ солинадиган база.
  - 2.4. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғига имтиёзлар.
  - 2.5. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаси.
  - 2.6. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби.

**Таянч сўз ва иборалар:** Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслар ерига солинадиган солиқ, жисмоний шахслар ер солиғи, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ даври, солиқ ҳисоблаш усуллари, солиқ солиш обьекти, солиқ солиш базаси.

Юридик шахсларни мол-мулк солиғи ставкалари

<b>№</b>	<b>Тўловчилар</b>	<b>Солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан %да</b>
1	Юридик шахслар	5

**Изоҳлар:**

Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиги икки баравар ставкада тўланади.

«САП» авиакомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича модернизациялашдан ўтган аэропортлар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни 5 йил мобайнида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасига 0,4 пасайтирувчи коэффициентни қўллаган ҳолда тўлайдилар.

**Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Корхона асосий воситаларининг 1 январ ҳолати буйича қиймати 1100 минг сўмни ташкил этиб, апрел ойининг биринчи ўн кунлигида яна 250 минг сўмлик асосий восита кирим қилинган. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати 1 январ ҳолатига 100; 1 феврал ҳолатига 125; 1 март ҳолатига 150; 1 апрел ҳолатига 250 минг сўмни ташкил этади. Ушбу маълумотларга асосан корхона мол-мулк солигини ҳисобланг (1-чорак учун).

Ечилиши:

1. Корхона асосий воситаларининг 1-чоракдаги ўртacha қолдиқ қийматини топишимиз лозим, яъни: ҚҚ 1янв. = 1100 – 100= 1000 минг сўм;

ҚҚ 1фев. = 1100 –125 = 975 минг сўм;

ҚҚ 1март = 1100 – 150 =950 минг сўм;

ҚҚ 1апр. = 1350 –250 = 1100 минг сўм.

(бу эрда, ҚҚ - асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати).

Ўққ = 1янв.: 2 + 1 фев.+ 1март + 1апр.: 2/12 = 1000 : 2 + 975+ 950 + 1100 : 2/12 =881.3 минг сўм.

2.  $M_c = 881.3 \times 3.5 \% = 30,8$  минг сўм.

**2-масала.** 1-масала ва қуидаги маълумотларга асосан мол-мулк солигини ҳисобланг.

1. 1 – корхонада маҳсулот экспорти - 15 % ни;

2. 2 – корхонада маҳсулот экспорти - 20 % ни;

3. 3 – корхонада маҳсулот экспорти - 35 % ни;

4. 4 – корхонада маҳсулот экспорти - 50 % ни ташкил этади.

**3-масала.** 2018 йил 1 январ ҳолатига мол-мулк солиги тўловчи корхонада асосий восита ва номоддий активлари бўлмаган. 13 январда корхона 670 минг сўмга компьютер, 25 марта эса 290 минг сўмга принтер сотиб олган.

2018 йил биринчи чорак учун мол-мулк солигини ҳисобланг?

**4-масала.** Корхона мол-мулкининг ўртacha қолдиқ қиймати 9003 минг сўмни ташкил этади, бундан:

- Меъёрий муддатларда тутатилмаган қурилишнинг қиймати – 3500 минг сўм;
- 2275 минг сўмни Ўзбекистон республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорига биноан консервация қилинган.

Жорий давр учун умумий тушум 30300 минг сўм, бундан 7300 минг сўмлиги корхона ўз маҳсулотини эркин валютага сотган.

*Жорий давр учун мол-мулк солиги неча сўмни ташкил этади?*

**Тошкент шаҳрида 2018 йил учун ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиги  
СТАВКАЛАРИ**

<b>Зона</b>	<b>Юридик шахслардан ундириладиган ер солиги ставкалари, 1 га учун, сўмда</b>	<b>Якка тартибда уй-жой қуришига бериладиган ерлар учун фуқаролардан ундириладиган ер солигининг базавий ставкалари, 1 кв.м учун, сўмда</b>
1	131,175,469	752,1
2	104,940,375	638,4
3	78,705,281	524,7
4	52,470,188	411,0
5	26,235,094	297,3

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Мол-мулк солиги қачон жорий этилган ва уни жорий этишдан қўзланган мақсад нима?
2. Мол-мулк солигини давлат бюджети даромадлари таркибидаги аҳамияти қандай?
3. Мол-мулк солигини тўловчилари кимлар?
4. Соликқа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган корхоналар асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланганларида мол-мулк солигини тўлашадими?
5. Мол-мулк солигининг обьекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Корхона мол-мулкининг ўртacha йиллик қолдик қиймати қандай тартибда топилади?
7. Мол-мулк солиги ставкалари қандай белгиланган?
8. Маҳсулотини экспорт қилаётган корхоналарга мол-мулк солигини ҳисобланиши қандай тартибда амалга оширилади, агарда экспорт ҳажми маҳсулотни сотишида 40 фоизни ташкил этган бўлса?
9. Мол-мулк солигидан кимлар имтиёзга эга?
10. Солик идораларига қайси муддатларда мол-мулк солиги бўйича ҳисоб-китоб топширилади?
11. Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш обьекти учун мол-мулк солигини тўлаш тартиби қандай белгиланган?
12. Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солигини тўлаш тартиби қандай белгиланган?

**Юридик шахслардан ундириладиган ер солиги  
Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** “Мингбулоқ” ҳиссадорлик жамиятининг ер солиги суммаси 75 млн. сўмни ташкил этади. Соликнинг йигими даражаси 97%, келгуси йил индексацияси 1.5 ни ташкил этади. Корхонанинг 2009 йилда кутилаётган солик суммасини ҳисобланг:

*Ечилиши:*

$$75000.0 \times 1.5 \times 97\% = 109125.0$$

**2-масала.** Тошкент шаҳрининг 8 зонасида жойлашган ишлаб чиқариш корхонасига шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 5.5 га ни ташкил этади. Корхонанинг

ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисобланг ва тўлаш муддатларини белгиланг.

*Ечилиши:*

1. Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 14та зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2006 йил 8 зона учун ҳар бир га учун 15230403 сўм белгиланган.

2. Эрнинг майдони ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$5.5 \times 15230403 = 83767216.5 \text{ сўм}$$

3. Ер солиғи бюджетга ҳар чоракнинг иккинчи ойи 15 кунига қадар йиллик сумманинг тўртдан бир қисми миқдорида тўланади, яъни:

1 чорак учун -15 февралгача – 23434203 сум;

2 чорак учун -15 майгача – 25134203 сум;

3 чорак учун -15 августгача – 26134203 сум;

4 чорак учун -15 ноябргача – 27134203 сум.

**3-масала.** Зарафшон шаҳрининг 3 зonasida жойлашган корхонага шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 3.75 га, ҳақиқий фойдаланишдаги ер майдони эса 4.5 га эканлиги аниқланди. Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз.

*Ечилиши:*

1. Шаҳар жойларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 4 та зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2010 йил Зарафшон шаҳрининг 3 зонаси учун ҳар га учун ..... сўм белгиланган.

2. Фойдаланишдаги ер майдони ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқни ҳисоблаймиз:

а) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдони учун:

$$3.75 \times \dots = \dots \text{ сўм};$$

б) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдонидан ортиқ фойдаланишдаги ер учун 2 коеффицентда тўланиши белгиланган:

$$0.75 \times \dots \times 2 = 1.074.607 \text{ сўм}$$

$$\text{Демак, } = \dots + \dots = \dots \text{ сўм.}$$

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Ер солиғини юридик шахслардан ундиришнинг сабаби нимада?
2. Ер солиғининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистонда қачон шаклланган?
3. Ўзбекистонда ер фонди қандай таркиб топган?
4. Кимлар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади?
5. Алоҳида солиқ режимига ўтган юридик шахслар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишадими?
6. Ер солиғини ундириш обьекти нима?
7. Солиқ ставкалари қандай мезонлар асосида белгиланади?
8. Қандай эрлар солиқ солинмайдиган ер участкалари ҳисобланади?
9. Қандай юридик шахслар ер солиғидан озод қилинади?
10. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари қандай белгиланган?

### **Мавзу 8. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби (2 соат)**

**Режа:**

- Соддлаштирилган солиққа тортиш тизими хақида тушунча унинг иқтисодий мохияти ва қўлланиши тартиби .
- Ягона солик тўлови, унинг тўловчилари ва тўловчилар таркибига киритиш мезони
- Ягона солик тўловини тўловчилари ва солик солиш обьектлари.
- Ягона солик тўлови ставкалари, солик солинадиган база ва ягона солик тўлови бўйича имтиёзлар.
- Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солик тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солик тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари
- Ягона ер солиғини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари
- Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари

**Таянч сўз ва иборалар:** Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш, ягона солик тўловини ҳисоблаб чиқариш, солик ставкаси, солик имтиёзлари, солик даври, солик ҳисоблаш усуллари, солик солиш объекти, солик солиш базаси.

**Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солик тўлови СТАВКАЛАРИ**

<i>№</i>	<i>Тўловчилар</i>	<i>Солик ставкалари, солик солинадиган базага нисбатан %да</i>
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-7-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари	5*
2	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	5
3	Ломбардлар	30
4	Гастрол-концерт фаолияти билан шуғуланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5	Тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33**
6	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
7	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижара беришдан олинган даромадлар 60%дан кўпни ташкил этади)	30

\*) Мол-мулкини молиявий ижара (лизинг)га берадиган корхоналар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

\*\*) Ҳақ суммаси (ялпи даромад).

**Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ түлови  
ставкалари**

№	Түловчилар	Ялпи тушумга нисбатан солиқ ставкалари, фоизларда
	Умумий овқатланиш корхоналари	10
1	Улардан: Умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатларга, ўртамахсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтинослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
2	Чакана савдо корхоналари 3 ва 4 бандда кўрсатилганларидан ташқари:	
2.1.	жойлашган худудига нисбатан: аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қишин бўлган ва тоғли туманларда жойлашган	1
2.2.	жойлашган худудидан қатъий назар: алкогол махсулотлари, тамаки махсулотлари, бензин, дизел ёқилғиси ва сиқилган газ реализацияси бўйича товар обороти	4
3	Улгуржи ва улгуржи-чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
4	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари: аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қишин бўлган ва тоғли туманларда жойлашган	1
5	Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сотиб олиш, саралаш, сақлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тайёров ташкилоти	4

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Соддлаштирилган солиқка тортиш тизимининг иқтисодий моҳияти ва ахамияти нималардан иборат?
2. Солиқ солишининг соддлаштирилган тартибини қўлланиши тартиби қандай?
3. Ягона солиқ тўловининг хуқуқий асослари қандай?
4. Ягона солиқ тўловининг базаси қандай белгиланади?
5. Ягона солиқ тўловининг тўловчилари кимлар ва мезонлари?
6. Ягона солиқ тўловининг ставкалари қандай белгиланган?
7. Ягона солиқ тўлови бўйича қандай солиқ имтиёзлар белгиланган?
8. Ягона солиқ тўловини хисоблашда ялпи тушумга қандай аниқланади?
9. Ягона солиқ тўловининг хисоб китоб муддатлари қандай белгиланган?
10. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиқка тортишда 2007 йилдан қандай тартиб қўлланила бошланди?
11. Ягона ер солиғи тўловчилари ва ставкалари қандай белгиланган?
12. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар?
13. Тадбиркорлик фаолиятининг хуқуқий асослари нималардан иборат?
14. Якка тартибдаги тадбиркор қандай солиқларни тўлайди?
15. Қатъий белгиланган солиқни ставкалари ким томонидан белгиланади?

## **Мавзу 9. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар.**

### **Режа:**

#### **1. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар**

1.1. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ

1.1.1. Солиқ тўловчилар.

1.1.2. Солиқ солиш обьекти. Солиқ солинадиган база.

1.1.3. Солиқ ставкалари.

1.1.4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби.

1.2. Ободонлаштириш ва ижгиомий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ

1.2.1. Солиқ тўловчилар

1.2.2. Солиқ солиш обьекти. Солиқ солинадиган база

1.2.3. Балансида ижтимоий инфратузилма обьектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан солиқ солинадиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

1.2.4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби/

#### **2. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар**

2.1. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари.

2.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар

**Таянч сўз ва иборалар:** Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ даври, солиқ ҳисоблаш усувлари, солиқ солиш обьекти, солиқ солиш базаси.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил**

**29 декабрдаги ПҚ-3454 сонли қарорига асосан 2018 йилга ёқилғи истеъмоли солиги ставкаси**

<b>№</b>	<b>Солиқлар ва йиғимларнинг турлари</b>	<b>Чегараланган ставкалар</b>
2	Қўйидагиларнинг истеъмоли учун ундириладиган солиқ*:	
	транспорт воситалари учун бензин	1 литр учун 232,5 сўм / 1 тонна учун 308 850 сўм**
	транспорт воситалари учун дизел ёқилғиси	1 литр учун 232,5 сўм / 1 тонна учун 282 500 сўм**
	транспорт воситалари учун суюлтирилган газ	1 литр учун 230 сўм / 1 тонна учун 436 300 сўм
	транспорт воситалари учун сикилган газ	1 куб метр учун 305 сўм

*\*) Кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкаларининг қайта ишилашга берилган бензин ва дизель ёқилғиси бўйича миқдорлари транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисобга олган ҳолда бензин ва дизель ёқилғисига чакана нархлар доирасида шакллантирилади. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган қайта ишилашга берилган хом ашё асосида ишилаб чиқариладиган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича тўловчилар, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ*

истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқарии ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

\*\*) Автомобилларга ёнилеи қўйши шохобчалари орқали бензин ва дизел ёқилгиси сотишида транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилгиси ва газ истеъмоли учун ундириладиган солиқ 1 литр ҳисобидан келиб чиқиб ҳисобланади, бошقا ҳолларда 1 тонна ҳисобидан келиб чиқиб ҳисобланади

### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Маҳаллий йиғим деганда нимани тушунасиз?
2. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим солиқ кодексининг қайси моддасига тегишли?
3. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимни тўловчилари кимлар?
4. Айрим товар турларининг ва хизматларнинг рўйхати қайси давлат органи томонидан белгиланади?
5. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси қанча муддатга берилади?
6. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим қанча микдорда ундирилади?
7. Маҳаллий йиғимни ўз вақтида тўланиши усутидан жавобгарлик кимларнинг зиммасига юкландган?

### **Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи**

#### **Мавзуга доир масалалар**

**1-масала.** Ҳисобот даврида болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари 300 минг сўмни ташкил этади. 170-сатр бўйича солиқ солинадиган даромад 700 минг сўмдан иборат. Фойда солиғи суммаси: 180-сатр 250 минг сўм. Фойда солиғи ставкаси 10%. ободонлаштириши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солигини ҳисобланг.

#### **Ечилиши:**

1. Солиқ солинадиган даромаддан фойда солиғи суммасини айрамиз:

$$700 - 250 = 450 \text{ минг сўм}$$

2. Болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари суммасини фойда солиғи ставкасига кўпайтирамиз.

$$300 \times 10\% = 30 \text{ минг сўм}$$

Яъни, биз даромад солиғи суммасининг болалар боғчасини тутиб туриш ҳисобига қандай суммага камайганлигини биламиз.

1. Тескари ҳисоб-китобни амалга оширамиз.

$300 (1-\text{банд салдоси}) + 100 (\text{болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари}) + 10 (\text{ана шу харажатларга тўғри келадиган солиқ суммаси}) = 410 \text{ минг сўм}$

2. Сўнгра биз 415 ни ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасига кўпайтирамиз

$$410 \times 8\% = 32,8 \text{ минг сўм}$$

Яъни, корхона 33,2 минг сўм ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўлаши керак эди. Лекин у амалда 100 минг сўм инфратузилмани тутиб туриш учун сарфлаган эди. Шунинг учун корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўловчи ҳисобланмайди.

**2-масала.** Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш муасасасини тутиб туриш харажатлари 250 минг сўмни ташкил этади. 170-сатр бўйича солиқ солинадиган даромад 5500 минг сўмдан

иборат. Даромад солиғи суммаси 180 сатр - 2300 минг сўм. *Даромад солиги ставкаси – 35 фоиз ободонлаштириши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солигини ҳисоблаймиз.*

**Ечилиши:**

1.  $5500 - 2300 = 2200$  минг сўм
2.  $250 \times 35\% = 87,5$  минг сўм
3.  $2200 + 250 + 87,5 = 2537,5$  минг сўм
4.  $2537,5 \times 8\% = 203$  минг сўм

Демак, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 203 минг сўмни ташкил этади, лекин корхона амалда ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш учун 150 минг сўм харажат қилган эди.

Мазкур корхона бюджетга  $203 - 150 = 53$  минг сўм фарқни тўлаши лозим.

**3-масала.** Корхонанинг ҳисбот давридаги солиқ солинадиган даромади: 170-сатр – 0 га тенг. Фойда солиғи суммаси 180 сатр – 75 минг сўм. *ободонлаштириши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солигини ҳисобланг.*

**4-масала.** Ҳисботот даврида корхоналарнинг умумий таълим мактабини тутиб туриш харажатлари 100 минг сўмни ташкил этади. Солиқ солинадиган фойда 800 минг сўмдан иборат. Фойда солиғи суммаси 50 минг сўм. Корхона экспортга товар реализация қилганлиги учун имтиёзли, яъни 10.5% да фойда солиғи ҳисоблаган. *ободонлаштириши ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солигини ҳисобланг.*

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Қандай юридик шахслар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг тўловчилари ҳисобланишади?
2. Корхона бир неча фаолият тури билан шуғулланса ушбу солиқнинг тўловчиси бўла оладими?
3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг обьекти ва базаси қандай аниқланади?
4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси неча фоизни ташкил этади?
5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасини қандай ҳолатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий ҳокимияти органлари томонидан белгиланади?
6. Вазирлар Маҳкамасининг 453-сон қарорига кўра ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи қандай тартибда тўланади?
7. Қандай ҳолатда корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини бюджетга тўламайди?
8. Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун нималарни олдиндан белгилаб олиш лозим?
9. Солиқ ҳисботлари қачон солиқ органларига топширилади?
10. Солиқни бюджетга тўлаш муддатлари қачон амалга оширилади?

**Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ**

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқни бюджетга бевосита тўловчилар кимлар?

2. Солиқ солиши объекти ва базаси қандай аниқланади?
3. Бензин, дизел ёнилғиси ва газни сотиши деганда нима тушунилади?
4. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкалари қайси давлат органлари томонидан белгиланади?
5. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида белгиланади?
6. Солиқ суммаси қайси формула ёрдамида топилади?
7. Солиқ суммаси жисмоний шахслардан қайси вақтларда ундирилади?
8. Солиқ тұловчилар солиқ идораларыга жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиғи бүйича қайси муддатда ҳисобот топширади?
9. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ тушуми қайси бюджетта тушади?
10. Солиқ тұловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларидаги маълумоттарнинг хаққонийлигига ким жавобгар ҳисобланади?

### **Давлат мақсадлы жамғармаларга ажратмалар Мавзуга доир масалалар**

**1-масала:** 2018 йил январ ойи учун ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатта ҳақ тұлаш фондидан Пенсия жамғармасига ажратыладын ягона ижтимоий тұлов суммасини аниқланғ?

- иш ҳақи ҳисобланған – 11600 минг сүм;
- ишчи ва хизматчиларнинг йүл патталарыга ажратылған харажатлар – 600 минг сүм;
- ишчиларға моддий ёрдам ажратылған – 10600 минг сүм;
- ишчиларнинг тушлик овқатлары – 930 минг сүм;
- кунлик харажатлар берилған:
  - меңдер чегарасида – 8950 минг сүм;
  - меңдерден юқори – 7500 минг сүм;
  - ярим йил якунига асосан мукофот пули ҳисобланған – 250 минг сүм.
- Энг кам минимал иш ҳақи миқдори – 12420 сүм.

**2-масала:** Фуқаро Ы.Расуловга иш жойидан унинг юбилейи муносабати билан мукофот пули берилди. Бундай мукофот суғурта ажратмалари тұланади-ми?

### **Үз-үзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Ягона ижтимоий тұлов тұловчилари бўлиб кимлар ҳисобланышади?
2. Фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалларининг тұловчилари кимлар?
3. Юридик шахсни ташкил қылмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг суғурта бадаллари тұловчилари бўлаоладими?
4. Ягона ижтимоий тұлов маблағлари қандай тартибда жамғармаларга тақсимланади?
5. Ягона ижтимоий тұлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалини объекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Ягона ижтимоий тұловдан қандай чегирмалар назарда тутилған?
7. Ягона ижтимоий тұловни ва суғурта бадаллари қандай тартибда ҳисоблаб чиқарилади?
8. Ягона ижтимоий тұловни ва суғурта бадалларини тұлаш тартиби тушунтилинг?
9. Микрофирма ва кичик корхоналар ягона ижтимоий тұловни ва суғурта бадалларини қайси муддатда тұлашади?
10. Айрим тоифадаги жисмоний ахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тұлашнинг ўзига хос хусусиятлари тушинтилинг?

## **Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма**

### **Мавзуга доир масалалар**

**1-масала:** Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимиға кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларига қарашли туманлараро база 2018 йил биринчи чоракда 52,5 млн. сүм ялпи даромадга эга бўлди. База қанча миқдорда Пенсия жамғармасига ажратма тўлаши лозимлигини аниқланг?

**2-масала:** Алском суғурта компанияси 2018 йил 1 чоракда суғурта хизматларидан 32 млн. сүм миқдорида даромадга эга бўлди. Ушбу даромаддан компания қанча миқдорда жамғармага ажратмага тўлаши лозим?

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?
2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларнинг тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланади?
3. Нотижорат ташкилотлар қандай ҳолатда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тўловчилари бўлишади?
4. Ягона солик тўловини тўловчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратма тўлашадими?
5. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларнинг обьекти ва базаси қандай топилади?
6. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қандай манбалардан ташкил топади?
7. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
8. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари неча фойзни ташкил этади?
9. Жамғармага тўловларни ҳисоблаш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Жамғармага тўловларни тўлаш муддати қачон?

## **Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар**

### **Мавзуга оид масала**

**Масала:** Чакана савдо билан шуғулланувчи корхона асосий фаолиятидан ташқари ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланади. 2018 йил 1 чорак учун товарларни сотишдан тушган тушум - 12000 минг сўм, корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш натижасида тушган тушуми -6600 минг сўм. Юк автомобили сотиб олинган -11000 минг сўм.

*Республика йўл жамғармасига тўланиши лозим бўлган суммани аниқланг?*

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Республика йўл жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил топган?
2. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари кимлар?
3. Хўжалик юритувчи субъект бир нечта фаолият тури билан шуғулланса, жамғармага ажратма қандай тартибда амалга оширилади?
4. Ажратма юридик шахсларнинг қайси даромадларидан олинади?
5. Хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганда ундириладиган тўлов қандай тартибда амалга оширилади?
6. Ставкалар қандай тартибда ва қайси мезонларга асосан белгиланади?

7. Тижорат банклари даромадларидан жамғармага неча фоиз тўловларни амалга оширади?
8. Республика йўл жамғармасига тушумларни тушушини назорат қилиш қайси давлат органи зиммасига юклатилган?
9. Мажбурий ажратмаларни тўловчилар ҳисоб-китобларни қайси ташкилотга тақдим этадилар?
10. Мажбурий ажратмаларни тўлашдан кимлар озод этилади?

### **Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси**

#### **Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар**

1. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил топган?
2. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари кимлар?
3. Корхона бир нечта фаолият тури билан шуғулланса, у ҳолда жамғармага ажратма қандай тартибда амалга оширилади?
4. Ажратма корхоналарнинг қайси даромадлари ҳисобига шаклланади?
5. Мажбурий ажратмалар ставкалари қандай тартибда ва қайси мезонлар асосида ўрнатилади?
6. Лизинг хизмати кўрсатадиган корхоналар учун жамғармага тўловларни амалга ошириш обьекти бўлиб нима ҳисобланади?
7. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига тушумларни тушушини назорат қилиш қайси давлат органи зиммасига юклатилган?
8. Мажбурий ажратмаларни тўловчилар ҳисоб-китобларни қайси ташкилотга тақдим этадилар?
9. Мажбурий ажратмаларни тўлашдан кимлар озод этилади?
10. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси қандай хукуқларга эга?

#### **Асосий адабиётлар**

1. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик- Т.:Шарқ, 2009. 448 бет.
2. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув кўлланма. Т.:”Норма”, 2009й. 184б.
3. Алимарданов ва бошқалар. Юридик шахсларни солиққа тартиш. Дарслик.-Т.:Чўлпон номидаги NMIU. 2013й.-296 б.
4. Гадоев Э., Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик.-Т.:”Ўзбекистон”, 2009й. -448 б.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. - Т.: “Норма”, МЖЧ. 2008 й. -416 б.
2. Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий ўйналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни Т.: 2017 й.
3. Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси ВМ Қарори. Т.: 2017 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 29 август 1997 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ - 3454-сонли Қарори (2017 йил 29 декабр).

6. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи/ Ш.Мирзиёев. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-56 б.

7. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якупнари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

8. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тарқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимидағи маъруза.

9. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Ш.Мирзиёев. Тошкент “Ўзбекистон”, 2017 – 488 б.

10. Жўраев А., Аманов А. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан ўкув-услубий комплекс. ТМИ, 2007 йил. -526 б.

11. И.А.Завалишина «Солиқлар: назария ва амалиёт» Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси нашриёт уйи. Тошкент 2005

12. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан маъруза матнлари тўплами. /А.Жўраев ва бошқ. –Т.: ТМИ, 2008. -396 б.

13. Xusainov R.R. “Moliya va soliqlar” (M qism soliqlar) o’quv qo’llanma. –Т “Voris-nashriyot”? 2014. – 334б.

14. Н.Ҳ.Ҳайдаров. “Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари”. Ўкув кўлланма. “Академия” - Тошкент. 2007 й. -214 б.

15. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали 2016-2018 йил сонлари.

16. Солиқ тўловчининг журнали 2016-2018 й.

17. Бозор, пул ва кредит журнали 2016-2018 й.

18. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси 2016-2018 й.

19. «Norma» ахборот ҳуқуқий тизими

20. Интернет сайтлари:

<http://www.soliq.uz> //

<http://www.mf.uz> //

<http://www.Lex.uz> //

<http://www.gov.uz> //

## 10. Интернет сайтлари

[www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.

[www.mf.uz](http://www.mf.uz)-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

[www.cb.uz](http://www.cb.uz)- Ўзбекистон Республика Марказий банки сайти.

[www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.

[www.stat.uz](http://www.stat.uz)-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.

[www.bankir.uz](http://www.bankir.uz)-Ўзбекистон Республикаси Банклари уюшмаси сайти.

<http://www.uz>

<http://www.parliament.gov.uz>

<http://www.gov.uz>

<http://www.press-service.uz>

<http://www.mineconomy.cc.uz>

<http://www.tresure.uz>

<http://www.gtk.uzsci.net>

<http://www.edu.uz>

<http://www.tsue.uz>

<http://bfa.re.uz>

<http://www.tfi.uz>

<http://www.glossary.ru>

<http://www.budgetrf.ru>